

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМАНОВА НОДИРА ДАВЛЯТОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН
ОЛТИНГУГУРТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
УНИ ОЛТИНГУГУРТЛИ БЕТОН ОЛИШДА ҚЎЛЛАШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Аманова Нодира Давлятовна

Маҳаллий хомашёлар асосида модификацияланган олтингугурт олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни олтингугуртли бетон олишда қўллаш..... 3

Аманова Нодира Давлятовна

Разработка технологии получения модифицированной серы на базе местных сырьевых ресурсов и его применение в получении серобетона..... 21

Amanova Nodira Davlyatovna

Development of a technology for obtaining modified sulfur based on local raw materials and its application in the production of sulfur concrete..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМАНОВА НОДИРА ДАВЛЯТОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН
ОЛТИНГУГУРТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
УНИ ОЛТИНГУГУРТЛИ БЕТОН ОЛИШДА ҚЎЛЛАШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1905. рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (termizdu@umail.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Бекназаров Хасан Сойибназарович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Шукуров Жамшид Султонович
техника фанлари доктори

Соттикулов Элёр Сотимбоевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «14» 12 2020 йил соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№23 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2020 йил « 4 » 12 куни тарқатилди.

(2020 йил « 4 » 12 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



И.А.Умбаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

Ш.А.Касимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д.

Ф.Б. Эшқурбонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қазиб олинадиган ёқилғига бўлган эҳтиёж жадал ўсиб бормоқда, шунингдек, саноатда ёқилғи хомашёсини тозалаш жараёнида қўшимча маҳсулот сифатида ҳосил бўладиган олтингугуртнинг миқдори ҳам ортмоқда. Келажакда олтингугурт миқдори муттасил кўпайиши кутилаётганлиги сабабли, олтингугуртдан фойдали маҳсулот олиш учун қарши режа ишлаб чиқилмаса, чиқиндиларни йўқ қилиш учун катта харажат талаб этилади. Шунинг учун олтингугуртни модификациялаб, олтингугуртли боғловчилар синтез қилиш ва улар асосида янги турдаги модификацияланган олтингугуртли бетон олиш мустаҳкам, турли агрессив муҳитларга чидамли асфальт ҳамда бетон каби қурилиш материалларини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда саноати ривожланган мамлакатларда модификацияланган олтингугуртли бетонлар олиш ва улар ёрдамида қурилиш конструкцияларининг мустаҳкамлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шунга биноан, олтингугуртни самарали полимерлаш учун органик модификаторлар ишлаб чиқиш, олтингугурт ва минерал тўлдирувчилар асосида термопластик композитлар олиш, олтингугуртли бетонда ҳарорат ўзгариши натижасида содир бўладиган қаттиқ фазали ўтишлар ҳамда ҳажмий қисқаришнинг олдини олиш, модификацияланган олтингугурт асосидаги композицияларнинг ёнувчанлигини йўқотиш, тўйинмаган органик бирикмалар билан модификацияланган олтингугурт асосида мустаҳкам, кислоталар ва тузларнинг юқори концентрацияларида барқарор полимер олтингугуртли бетон олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишни тақоза этмоқда.

Республикамизда саноат чиқиндилари, газ ва нефтни қайта ишлаш саноати иккиламчи маҳсулотлари асосида модификацияланган олтингугуртли боғловчилар ҳамда модификацияланган олтингугуртли бетон яратиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, модификацияланган олтингугуртли бетон асосида композициялар яратилган. Шу боис ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашё ресурслари – кўп тоннали кимёвий саноат иккиламчи маҳсулотлари ва синтез қилинган моддалар асосида модификацияланган олтингугуртли бетон олиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида олтингугуртни модификациялаш ва олтингугуртли боғловчилар таъсир механизмини яратиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда ривожлантириш бўйича E. Worrell, L. Price, A.-M.O. Mohamed, M. El-Gamal, M. Fuhrmann, D. Melamed, B. Currell, J. Beaudoin, R.F. Feldman каби олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ давлатларида Д.А. Скрипунов, М.В. Рылова, А.Ю. Фомин, В.Г. Хозин, Я.Д. Самуилов, А.М. Мохнаткин, Р.Т. Порфирьева, Л. А. Яковлева, С.Л. Ларионов, С.Г. Карчевский, Р.Ф. Сабиров, А.Ф. Махоткин, Ф.А.Хамидуллин, В.И.Гайнуллин, С.О.Стойнов каби олимлар олтигугуртни модификациялаш ва улар асосида боғловчилар яратиш ҳамда уларнинг таъсир механизмларини ўрганиш бўйича самарали фундаментал тадқиқотларни олиб боришмоқда.

Республикада олтингугуртни модификациялаш муаммоларини ҳал қилишда, иккиламчи хомашёлар асосида олтингугуртли боғловчиларни синтез қилишда ҳамда янги олтингугуртли бетон системаларни яратишда Р.С.Тиллаев, Т.Д.Цыганов, Ф.К.Курбанов, А.Т.Жалилов, А. Икрамов, Д. Юсупов, З.Б.Таджиходжаев, Х.И.Акбаров, В.П.Гуро каби олимлар ўзларининг фундаментал тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшганлар.

Бугунги кунда юқори самарали бирикмаларни синтез қилиш ва улар асосида янги кўп функционал модификациялаш тизимларини яратиш ва уларнинг таъсир механизмини аниқлаш республикада кимё саноати учун катта аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КМ-20192515 «Йўл қурилишида фойдаланиш учун маҳаллий хом ашё асосида

модификацияланган олтингугуртли бетон ишлаб чиқариш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кротон альдегид асосида модификацияланган олтингугурт олиш, хоссаларини яхшилаш ва улар асосида олтингугуртли бетонларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олтингугурт ва иккиламчи саноат маҳсулотлари асосида янги юқори самарали модификацияланган олтингугуртли боғловчиларни олиш учун мақбул шароитларини аниқлаш;

модификацияланган олтингугуртли боғловчилар асосидаги олтингугуртли бетоннинг тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш ва физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

олинган олтингугуртли бетоннинг қотиш тезлигига, сиқилишдаги ва узилишдаги дарз кетиш мустаҳкамлигига ҳарорат, муҳитнинг рН қиймати, модификацияловчи тизимлар таркиби ва концентрацияларининг таъсирини аниқлаш;

анъанавий бетон заводининг технологик ускуналарида олтингугуртли бетон аралашмаларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш;

тўйинмаган бирикмалар асосида олтингугуртли боғловчилардан олинган композит олтингугуртли материалларни ишлаб чиқаришнинг техник ва иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти олтингугурт ва кротон альдегид асосида синтез қилинган бирикмалар ҳамда кимё саноатининг иккиламчи маҳсулотлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети турли муҳитларда ҳарорат, концентрация ва таркибга боғлиқ ҳолда кротон альдегиди билан олтингугуртни модификациялашнинг оптимал шароитларини аниқлаш, шунингдек, модификацияланган олтингугуртдан олтингугуртли бетон олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида органик синтез усуллари, ИҚ спектроскопия, сканерловчи электрон микроскопияси ва рентген фазавий таҳлил усулларидан фойдаланилган. Модификацияланган олтингугуртли бетоннинг мустаҳкамлиги физик-механик ва кимёвий усуллар ёрдамида тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кротон алдъегид асосида олтингугуртни модификациялаш натижасида олинган модификацияланган олтингугуртнинг юқори деформацион мустаҳкамлик, адгезион хусусиятлари ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

портландцемент асосидаги бетонни алмаштириш учун ишлаб чиқилган модификацияланган олтингугуртли бетонларнинг физик-кимёвий, физик-механик хоссалари ва агрессив муҳитларга чидамлилиги аниқланган;

олтингугуртга нисбатан эримайдиган полимер қисмларнинг 10-25% масса улушида бўлиши атмосфера ва агрессив муҳитлар таъсирига чидамли ҳамда сиқилишдаги мустаҳкамлик хусусиятлари юқори бўлган

модификацияланган олтингугуртли бетоннинг эксплуатацион хоссаларининг яхшиланиши исботланган;

кимёвий ўзгаришлар орқали яхшиланган физик-механик хоссаларга эга бўлган модификацияланган олтингугурт ва олтингугуртли бетон олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

модификация қилинган олтингугуртни олишнинг мақбул шароитлари, тузилиши ва физик-механик хусусиятлари аниқланган;

олтингугуртли бетондан рақобатбардош конструкциялар ишлаб чиқариш кўрсатилган, уларни ишлатиш даврида агрессив муҳитга, совуқ об-ҳавога ва сувга чидамлилиги аниқланган;

янги турдаги олтингугуртли боғловчилар асосида атмосфера ва агрессив ташқи муҳитларга чидамли олтингугуртли бетон олиш технологияси ишлаб чиқилган;

янги турдаги модификацияланган олтингугуртли боғловчилар асосида олтингугуртли бетон олиш бўйича техник ва технологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ИҚ спектроскопия, рентген фазавий таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия каби замонавий физик-механик ҳамда кимёвий усулларлардан фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кротон альдегид асосида олтингугуртли бетон ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини яратиш, шунингдек, уларнинг тузилиши, хусусиятларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кротон альдегид ва кимё саноатининг иккиламчи маҳсулотлари асосидаги янги экологик тоза, импорт ўрнини босувчи олтингугуртли бетонларни саноатда қўллаш, хизмат муддатини узайтириш, яхшиланган физик-механик хусусиятларга эга материаллар олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олтингугурт ва кротон альдегид асосида модификацияланган олтингугуртдан янги олтингугуртли бетон олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кротон альдегид асосида ишлаб чиқилган модификацияланган олтингугуртли бетон «Олмалик КМК» АЖ корхонасида кислота ва тузларнинг юқори концентрацияларига барқарор бетон конструкциялар олишда жорий қилинган («Олмалик КМК» АЖ нинг 2020 йил 20 ноябрдаги АА-009039-сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган олтингугуртли боғловчилар олиш технологияси асосида 40% сульфат кислота ва 40% аммоний сульфат эритмаларида барқарор бўлган олтингугуртли бетон олиш имконини берган;

янги олтингугуртли боғловчилар асосида атмосфера ва агрессив ташқи муҳитларга чидамли олтингугуртли бетон олиш технологияси «Олмалик

КМК» АЖ корхонасида мустаҳкам полимер олтингугуртли бетон олишда жорий қилинган («Олмалик КМК» АЖ нинг 2020 йил 20 ноябрдаги АА-009039-сонли маълумотномаси). Натижада таркибида 26% оғирликдаги модификацияланган полимер олтингугурт бирикмалари ва кул қўшилган қум, майдаланган тош ва олтингугуртли бетон аралашмаси асосида мустаҳкамлиги 85 МПа бўлган (М700 маркасига, В55 синфига тўғри келадиган) олтингугуртли бетон конструкциялар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ишининг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Олтингугуртли бетон асосидаги боғловчиларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида тўйинмаган бирикмалар асосида олтингугуртли боғловчилар ва олтингугуртли бетонларни синтез қилиш ва ишлаб чиқариш усуллари тўғрисидаги адабиётлар таҳлили шунингдек, улар синтезининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари берилган. Тўйинмаган бирикмалар асосида олтингугурт боғловчилари ва олтингугуртли бетон олиш усуллари, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари муҳокама қилинган ва ушбу тадқиқот истиқболли йўналишлардан бири эканлиги таъкидланган.

Диссертация ишининг **«Маҳаллий хом ашё асосида олтингугурт боғловчилари синтези ва уларнинг тўйинмаган бирикмалар билан модификацияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар, синтез ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари асосланган. Сканерловчи электрон микроскопия ва ИҚ спектроскопия

ёрдамида синтез қилинган бирикмалар тузилишини аниқлашга ёндашиш тавсифланган. Кротон альдегиди ва Ангрен ИЭС учувчан куллари асосида олинган модификацияланган олтингугуртли бетоннинг мустаҳкамлиги ва термодинамик тадқиқотларига асосланган натижалар ва тадқиқот усуллари келтирилган.

Олтингугуртни шиша стаканида 185 °С гача қиздирилиб, термостатланган мойли ҳаммомда ёпишқоқ тўқ сариқ рангли суюқ олтингугурт фазаси ҳосил бўлгунча доимий аралаштириб турилди. Кейин кротон альдегид тўғридан-тўғри суюлтирилган олтингугурт фазасига қўшилди. Олинган аралашма 185-190 °С да 60-70 дақиқа давомида аралаштирилди, бу реакция муҳитининг қовушқоқлигини бироз пасайишига ва кротон альдегиднинг олтингугурт билан сомономерларига хос қора ва сариқ рангли маҳсулотларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Реакция тугатилгач олинган маҳсулот кимёвий стакандан ясси пичоқча ёрдамида олинди ва хона ҳароратига қадар совитилди. Кротон альдегиднинг олтингугурт билан полимерланиш реакцияси 1-схемада келтирилган.




Олинган олтингугурт сополимери суюқ фаза ҳосил бўлгунча термостатланган ёғли ҳаммомда механик аралаштиргич билан жиҳозланган зангламайдиган пўлатдан ясалган реактор ичида 180-190 °С гача қиздирилди. Модификацияланган олтингугуртнинг суюлтирилган муҳитига кум, майдаланган тош ва кул қўшилди ва ҳосил бўлган аралашма шу ҳароратда қўшимча равишда иситилиб, 1:2,5 (полисульфид сополимери: кум, майдаланган тош, кул) нисбатида доимий аралаштириб бетоннинг бир хил қоришмасини ҳосил қилди. Қовушқоқ аралашмани махсус тайёрланган қолипга солиб, сўнг дарҳол 140-160 °С гача қиздирилган печга қўйиб, 30 дақиқа ушлаб турилди, хона ҳароратига қадар совитиб, қолипдан эҳтиёткорлик билан олинди.

Модификацияланган олтингугуртнинг 2850-1470 см⁻¹ диапазонидаги ИҚ спектрида -CH₂- гуруҳлари борлигини тасдиқловчи ютилиш чизиқлари ва 1650 см⁻¹ ҳудудида эркин ҳолатида -C=O гуруҳ мавжудлигини тасдиқловчи ютилиш чизиқлари мавжуд. ИҚ спектрида -ОН гуруҳларига мос келадиган 3400 см⁻¹ ҳудуддаги ютилиш чизиқлари мавжуд. Барча фаол -СН-О- гуруҳларнинг деформацион тебранишлари 1400-1465 см⁻¹ оралиғидаги кучли ютилган чизиқлар шаклида намоён бўлади. 2343-2688 см⁻¹ оралиғида


олтингургурт S=O ва S–H бўлган гуруҳларнинг мавжудлиги, кенг интенсив чўкки 1200-1100 см⁻¹, 1040-1060 см⁻¹ худудларида олтингургурт тутган бирикмаларни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, ИҚ-спектроскопияда 1060 см⁻¹ ва 1015 см⁻¹ худудларида олтингургурт тутган бирикманинг боғланишларини ўз ичига олган тор кичик интенсивликдаги чизиқлар пайдо бўлади. Модификацияланган олтингургуртнинг ИҚ спектрларини текширганда, кўрсаткичлари 1400-1440см⁻¹ бўлган димер ҳолатдаги интенсив –CH₂-O- гуруҳлари кўринади (1-расм).

Модификацияланган олтингургуртнинг термик хусусиятлари дифференциал-термогравиметрия (ДТГ) усули ёрдамида ўрганилди. Бунда модификацияланган олтингургурт намунасининг массаси 207°C гача ўзгармайди. ДТГ эгри чизиғида битта эндотермик чўкки 100-120 °C ҳароратда (114,7 °C да) кузатилади, бу намунанинг суюқланишига тўғри келади (2-расм). Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳарорат 307 °C дан юқори бўлганда, икки босқичда парчалана бошлайди - 365 °C гача 6%/мин тезликда, 500 °C дан юқорида эса 2,5%/мин тезликда, умумий масса йўқотиш 84% ни ташкил қилади. Парчаланиш реакцияси эндотермик, умумий парчаланиш энергияси -304,7 Ж/г.



1-расм. Модификацияланган олтингургуртнинг ИҚ спектри.




2-расм. Модификацияланган олтингургуртнинг ТГА таҳлили.

Модификацияланган олтингургуртли бетон намунасининг микроструктураси сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида ўрганилди. Микроструктурани ўрганиш учун олтингургуртли бетон намуналарини тайёрлаш, ишлаб чиқилган усул бўйича амалга оширилди. Қалинлиги -5 нм бўлган олтин қатлами модификацияланган олтингургуртли бетон юзасига вакуум қурилмасида ионли қоплаш йўли билан қўлланилди. Олтин билан қопланган намуналар иккиламчи электрон режимида QUORUM Q150 RS сканерловчи электрон микроскопида текширилди. Микроструктуравий тадқиқотлар натижалари 3-расмда келтирилган.

3-расмдан кўриниб турибдики, 100 г олтингургуртга 5 г кротон альдегид қўшилса, тарқалган фазанинг заррача катталиги - 0,1 дан 0,5 мкм гача сезиларли даражада ошади, шунга ўхшаш 100 г олтингургуртга 3 г кротон альдегид қўшилганда ҳеч қандай таъсир кўрсатилмади. Агар пластификацияланган полимер олтингургуртга кротон альдегид қўшилса, у ҳолда модификация қилувчи қўшимча таркибининг кўпайиши билан дисперс фаза ҳажми ҳам сезиларли даражада кўпаяди.



3-расм. Олтингугуртли бетон микрофотографияси.



4-расм. Олтингугуртли бетоннинг элемент таҳлили натижалари

4-расмда олтингугуртли бетон таркибидаги углерод, кислород, олтингугурт, кремний, азот, натрий ва алюминийнинг улуши кўрсатилган.

Диссертация ишининг «Маҳаллий хом ашё асосида модификацияланган олтингугуртли бетон олиш жараёнини ўрганиш ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида синтез қилинган олтингугуртли бетоннинг чидамлилиги, термогравиметрик ва рентген фазавий таҳлилларини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Ишда Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида (ТКТТИ) ишлаб чиқарилган янги модификацияланган полимер олтингугуртли бетоннинг (ПОБ) ривожланиши ва хусусиятлари тасвирланган. Қимматбаҳо органик модификатор ўрнида, олтингугурт модификатори сифатида саноат иккиламчи маҳсулоти (60-65% кротон альдегид, қолган қисми эса бошқа альдегидлар) ишлатилди. Ушбу модификатор билан бир қаторда реакцион сирт майдонини таъминлаш учун ПОБда физик тўлдирувчи моддалар сифатида бошқа чиқиндилар, учувчан кул (масалан, Ангрен ИЭС нинг учувчан кули) ва кум ишлатилади. Янги ПОБ учун асосий таркибий қисмларнинг аксарияти саноат маҳсулоти (яъни олтингугурт, кул ва кротон альдегиди) бўлганлиги сабабли, ушбу арзон ечим ПОБ-дан фойдаланишни кенгайтириш ва қурилиш соҳасида атроф-муҳитга таъсирини сезиларли даражада камайтириш кутилмоқда. Ушбу тадқиқот янги ПОБ материалининг тавсифига қаратилган. Материалнинг қурилишга яроқлилигини баҳолаш учун механик ва термик синовлар, микроскопик таҳлиллар ўтказилди.

ПОБ ишлаб чиқарилишда тўлдирувчи моддаларни (Ангрен ИЭСнинг учувчан кули ва майда донали кварц агрегати) кротон фракцияси билан олдиндан қайта ишлашни, сўнгра полимерланган олтингугурт эритмасини ҳосил қилиш учун элементар олтингугурт билан ишлов беришни ўз ичига олади. Қуйидаги аралаштириш нисбати танланди: 54% оғирликдаги кум, 18% оғирликдаги кул, 26% оғирликдаги олтингугурт ва 2% органик модификатор (1-жадвал). Тадқиқотда учувчан кул одатдаги цемент бетонида унинг яхши боғланиш реакцияси учун ишлатилади, бу эса маҳсулотнинг ПОБдаги углерод изини камайтиради (қум билан бирга) полимерланиш учун потенциал реакция жойларини таъминлаш ва композицион материалда тўлдирувчи компонент сифатида ишлатилади. ПОБга учувчан кул қўшилиши сферик

шакли ва мос ўлчамдаги тўлдирувчи моддаси туфайли аралашманинг мустаҳкамлиги ва активлигини оширишда фойдаланилади. Олдиндан ишлов бериш босқичида тўлдирувчи моддалари ва органик модификатор аралаштирилиб, 12 соат давомида 170-180 °С ҳароратгача қиздирилди.

Материаллар элементар олтингугурт билан бирлаштирилиб, зарралар ҳажмини камайтириш учун ячейка ўлчами 1 мм бўлган аралаштирувчи тегирмон орқали ишлов берилди. Кейин аралашма қиздирилди ва эритилган ҳолатда 140-160 °С ҳароратда 4-6 соат давомида аралаштирилди ва совутиш учун қолипларга қуйилди. Аралашма намуналарининг ўртача зичлиги 2274 (\pm 41) кг/м³ ни ташкил этди.


1-жадвал

Полимер олтингугуртли бетон учун таркиб

| Қўшимча | Олтингугурт | Қум | Учувчан кул | Органик модификатор | Жами |
|---------|-------------|-----|-------------|---------------------|------|
| мас.% | 26 | 54 | 18 | 2 | 100 |

Модификацияланган олтингугуртни олиш натижалари ҳақида шуни таъкидлаш керакки, олтингугурт реакцияси қўшилган кротон альдегид микдорига боғлиқ. Олтингугуртга кротон альдегид қўшилса, элементар олтингугуртнинг тузилиши ўзгаради. Кротон альдегидсиз олтингугуртнинг тузилишига караганда модификацияланган олтингугурт зичроқ ва мустаҳкамроқдир. Иккиламчи маҳсулот асосида олинган модификацияланган олтингугуртнинг хоссалари кимёвий таркиби туфайли тоза олтингугуртнинг хоссаларига ўхшашдир.

СЭМ кучланишини таҳлил қилиш ҳолати 15 кВ ташкил этади. 5-расмда элементар ва модификацияланган олтингугуртнинг микротузилиши кўрсатилган.



5-расм. Элементар олтингугурт (а) нинг модификацияланган элементар олтингугурт (б) билан таққосланиш микроструктураси.

Олтингугуртли бетон ишлаб чиқаришда олтингугуртнинг тўлдирувчиларга нисбатан турли микдорлари олинганда, шуни кўриш мумкинки, олтингугуртнинг модификацияланган олтингугуртга нисбати олтингугуртли бетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлик кучига таъсир қилади. Модификацияланган олтингугурт агрегатлар бошқа агрегатларни жуда самарали боғлайди ва мустаҳкамлайди. Модификацияланган олтингугурт аралашмасидаги кротон альдегиднинг улуши сиқилишдаги мустаҳкамлик

кучига таъсир қилади. Кротон альдегид миқдори ошганда сиқилишга мустаҳкамлик ҳам ошади. Бошқа томондан, кулни қўшиш бетоннинг зичлашувчанлигини ошириши мумкин.


Модификацияланган олтингуруттли бетоннинг (МОБ) портландцементга нисбатан асосий афзалликларидан бири бу кислотали ва шўрланган муҳитда, айниқса анъанавий цементларнинг ишлаш муддати қисқа бўлган саноат корхоналари шароитига унинг чидамлилигидир. МОБ саноат корхоналаридан ташқари музлаш ва эритиш даврларида, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида, канализация қувурлари, дренаж каналлари ва денгиз иншоотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Барқарорлик нуқтаи назаридан МОБ экологик тоза материал деб қаралиши мумкин, чунки у бир нечта курилиш дастурларида портландцементининг ўрнини босиши мумкин.

МОБ куйилишдан бир неча соат ўтгач, унинг сиқилишдаги мустаҳкамлик кучи тахминан 80% ни ва одатда 24 соатдан кейин 80 дан 95% гача ортади. Ушбу ишда 3, 7, 14 ва 28 кун давомида қотирилган иккита бир хил намуналар бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Барча намуналар бўйича ўртача сиқилишга мустаҳкамлик кучининг ўзгариши 2-жадвалда келтирилган. 2-жадвалдан кўришиб турибдики, 3 кун ичида олинган ўртача сиқилишга мустаҳкамлик кучи 28 кун ичида 32 МПа ва 42 МПа ни ташкил этган. Натижалар 28 кунга нисбатан 80,5% деб ҳисобланган сиқилишга мустаҳкамлик кучи фоизига мос келади.


2-жадвал

МОБ намуналарининг сиқилишга мустаҳкамлик кўрсаткичлари

| № | Вақт, кун | Ўртача сиқилишга мустаҳкамлик, МПа | Стандарт хатолик, МПа |
|---|-----------|------------------------------------|-----------------------|
| 1 | 3 | 32,15 | 0,16 |
| 2 | 7 | 37,62 | 0,67 |
| 3 | 14 | 39,43 | 2,23 |
| 4 | 28 | 42,13 | 0,98 |



6-расм. 40% H₂SO₄ га ботирилгандан кейинги масса ўзгариши



7-расм. 40% (NH₄)₂SO₄ га ботирилгандан кейинги масса ўзгариши

МОБ намуналарининг чидамлилиги синовлари 3, 7, 14 ва 28 кундан кейин намунанинг массасини ўлчаш ва уни бошланғич қиймати билан

солиштириш (эритмага солишдан олдин) орқали амалга оширилди; натижалар 6, 7-расмларда ва 2-жадвалда келтирилган. Масса йўқотилиши сульфат кислотаси ва аммоний сульфатнинг 40% эритмасига ботирилган 10x10x10 мм ўлчамдаги квадратик МОБ намуналари учун ҳисоблаб чиқилган. Эритмага солиш натижасида пайдо бўлган масса ўзгаришлари сезиларсиз бўлиб, кислотали ва тузли муҳит таъсир қилгандан кейин олинган намуналар ёмонлашмаганлигини кўрсатди.

МОБ хусусиятларининг ёмонлашувининг натижалари турли хил эритмаларга ботириб қўйиш вақтидаги сиқилишга мустаҳкамлик кучи ва оддий сувга ботирилган назорат намуналарининг сиқилишга мустаҳкамлик кучини солиштириш орқали баҳоланди. Масса ва сиқилишга мустаҳкамлик кучининг йўқолиши ҳисоблаб чиқилган, олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган. Сиқилишга мустаҳкамликка синаш натижалари агрессив муҳитга ботириш вақтига боғлиқ бўлиб ва назорат намуналари МОБ нинг юқори кимёвий қаршилигини кўрсатади, ботириш вақтининг кўпайиши билан бошқа намуналарнинг натижаларига ўхшаш натижа кўрсатади. Эритмага ботирилгандан сўнг ўртача оғирликлар ҳар иккала ҳолатда ҳам бир оз юқорироқ бўлди, аммо кутилган қийматлар чегарасида қолди. Бундан ташқари, намуналар синов пайтида ўта оғир шароитларга дуч келганидан кейин ҳеч қандай ёриқлар ва шикастланишлар кузатилмади. 3-жадвалда кўрсатилгандек сиқилишга мустаҳкамлик кучи ўртача қийматлар 40% H_2SO_4 эритмасида 0,12-0,22% га ва 40% да $(NH_4)_2SO_4$ 0,02-0,7% га камайган.

3-жадвал

Намуналарни кимёвий эритмаларга ботиришда чидамлилиқ синовларининг натижалари: массани йўқотиш ва ботирилгандан кейинги сиқилишга мустаҳкамлик кучини йўқотилиши

| Вақт, кун | Эритмалар | Ботиришдан аввалги масса, (г) | Ботиришдан кейинги масса, (г) | Масса йўқотилиши, % | Ботиришдан аввалги сиқилишга мустаҳкамлиги (МПа) | Ботиришдан кейинги сиқилишга мустаҳкамлиги (МПа) | Сиқилишдаги мустаҳкамликни йўқотиши (%) |
|-----------|------------------------|-------------------------------|-------------------------------|---------------------|--|--|---|
| 3 | 40 %-ли H_2SO_4 | 23,6 | 24,2 | -0,6 | 33,25 | 34,13 | -0,88 |
| 7 | | 20,4 | 21,5 | -1,1 | 37,62 | 37,68 | -0,06 |
| 14 | | 22,5 | 23,6 | -1,1 | 39,43 | 39,38 | 0,05 |
| 28 | | 24,2 | 25,2 | -1 | 41,36 | 41,27 | 0,09 |
| 3 | 40 %-ли $(NH_4)_2SO_4$ | 22,1 | 23,3 | -1,2 | 34,53 | 34,59 | -0,06 |
| 7 | | 23,5 | 24,4 | -0,9 | 36,84 | 37,11 | -0,27 |
| 14 | | 22,7 | 23,6 | -0,9 | 40,37 | 40,36 | 0,01 |
| 28 | | 23,3 | 24,1 | -0,8 | 41,05 | 41,15 | -0,1 |

Шундай қилиб, олинган натижалар шуни кўрсатадики, экспериментал равишда олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, керакли сиқилиш мустаҳкамлик кучига қараб ҳар хил конструктив қурилиш материаллари ва МОБ аралашмаларини ишлаб чиқариш ва харажатларни минималлаштириш мумкин.

Ўлчамлари 19 мм, 13 мм ва 25 мм бўлган дағал катталиқдаги тўлдирувчилар билан максимал тўлдирилган намуналар учун ўртача сиқилишга мустаҳкамлик кучи мос равишда 69, 52 ва 49 МПа ни ташкил қилди (4-жадвал). ПОБ ўрнини босувчи учувчан кулнинг улуши 5, 12 ва 15% гача оширилганда, олтингугуртли бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлик кучи мос равишда 74, 84 ва 73 МПа ни ташкил этди. Шундай қилиб, 19 мм ҳажмдаги йирик тўлдирувчи агрегати ва 15 фоизли кул (оғирлиги бўйича) бўлган намуна, қайта ишлаш қобилиятини сақлаб, энг яхши механик хусусиятларни кўрсатди.

4-жадвал

Сиқилишга бўлган мустаҳкамлик ва дарз кетиш чегаралари

| Намуналар | Зичлик (кг/м ³) | Сиқилишга мустаҳкамлик, МПа | Сиқилишга мустаҳкамликдаги дарз кетиш (МПа) |
|-----------|-----------------------------|-----------------------------|---|
| № 1 | 2417 | 49 | - |
| № 2 | 2389 | 52 | - |
| № 3 | 2374 | 69 | - |
| № 4 | 2365 | 74 | 5.2 |
| № 5 | 2383 | 84 | 6.3 |
| № 6 | 2348 | 81 | 4.4 |
| № 7 | 2392 | 73 | 4.6 |

Дағал ўлчамли тўлдирувчиларнинг сиқилишга мустаҳкамлик кучига таъсирини тасдиқлаш учун 1, 2 ва 4-намуналар бир-бири билан таққосланди. Максимал катталиги 19 мм бўлган йирик ўлчамли тўлдирувчилар билан аралаштирилган 4-намуна қолган учта намуналар орасида энг яхши сиқилишга мустаҳкамлик кўрсаткичларини кўрсатди (1, 2 ва 4 намуналар). 1-намуна кучининг пасайиши сабаби, йирик ўлчамли тўлдирувчилар катта ҳажми ёмон ишлов берилишини келтириб чиқаради. 2- намунанинг сиқилишга мустаҳкамлик кўрсаткичининг пастлигининг сабаби дағал агрегатнинг нотўғри гранулометриқ тақсимланиши бўлиши мумкин.

Олтингугуртли бетоннинг қотиш эффеќтини топиш учун 3 ва 4-намуналарнинг сиқилишга мустаҳкамлик кучлари таққосланди. Натижада, намуналар орасидаги сиқилишга мустаҳкамлик кучининг фарқи 3-намунада 30 кун давомида ва 4- намуна 3 кун давомида ўрганилди. Иккала намуна орасидаги 7 МПа сиқилиш кучидаги бир оз фарқ намуна мустаҳкамлик кучи оғишининг натижаси бўлиши мумкин. Бу шуни англатадики, олтингугуртли бетон ўзининг энг юқори мустаҳкамлигига дастлабки босқичда эришади ва портландцемент асосидаги бетон каби узок ваќт қотишини талаб қилмайди.

Учувчан кулнинг ПОБ га тўғри нисбатини аниқлаш учун 4, 5 ва 7 намуналарининг мустаҳкамлик кучлари ўлчанди ва бир-бири билан таққосланди. 15% ПОБ ва 12% учувчан кул билан аралаштирилган 5- намуна барча намуналар ичида энг юқори сиқилишга ва чўзилишга мустаҳкамлик кучини намоён қилди. Синов натижалари шуни кўрсатадики, ПОБ миқдори камайиши билан учувчан кул улушининг кўпайиши олтингугурт бетонининг мустаҳкамлигини яхшилашга ёрдам беради. Ушбу натижалар, учувчан кулнинг кўпайиши туфайли заррача катталиги тақсимотининг яхшиланиши

билан боғлиқ эканлиги билан тушунтирилади. Аммо ПОБ миқдори 12% гача камайтирилганда сиқилишга мустаҳкамлик кучи пасайиб кетди, чунки пластик ҳолатдаги ПОБ миқдори заррачаларнинг бир-бирига нисбатан қулай жойлашишига таъсир қилади.

6-намуна, қайта ишланган агрегатнинг олтингугуртли бетонга татбиқ этилишини текшириш учун максимал ҳажми 25 мм бўлган қайта ишланган дағал агрегатлар ёрдамида тайёрланган. 6-намунасининг чўзилишга мустаҳкамлик чегараси 5 намунага нисбатан тахминан 30 фоизга камайди, аммо иккала намуна ўртасида сиқилишга мустаҳкамлик кучида деярли фарк йўқ.

Диссертация ишининг «**Олинган модификацияланган олтингугуртли бетонни амалда қўллаш**» деб номланган тўртинчи бобида техник-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг натижалари ва олтингугуртли бетонни олиш технологияси муҳокама қилинган.

Олтингугуртли бетонни олишнинг технологик схемаси. Модификацияланган олтингугурт асосидаги олтингугуртли бетон, биринчи навбатда тўйинмаган бирикмаларга асосланиб, ноёб хусусиятлар тўпламига эканлиги - совуққа чидамлилиги, об-ҳавога чидамлилиги ва кенг ҳарорат оралиғида узоқ муддатли ишлаш имконияти туфайли йўл ва қурилиш соҳасида кенг қўлланилмоқда.


Республикамизда илмий-техник салоҳият керакли даражада юқори бўлиб, олтингугуртли бетон ишлаб чиқариш йўқлигини инобатга олган ҳолда, бетонга талаб катта эканлигини, шунингдек, олтингугуртли бетон ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда биринчи марта ташкил қилиш бошлаганлиги, мамлакатдаги бутун саноатнинг сезиларли ривожланишига олиб келади. Махсус мақсадлар учун олтингугуртли бетоннинг айрим турларини ишлаб чиқариш бўйича таклиф этилаётган технология ўзининг соддалиги, анъанавий автоклав-реакторларда жараёни амалга ошириш қулайлиги ва маҳаллий хом ашёнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Таклиф этилаётган технологияни анъанавий реакторларда аралаштириш, шакллантириш ва қурилишни бажариш орқали осон амалга ошириш мумкин.

ТКТИТИда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган хом ашёдан олтингугуртли бетон олиш жараёни бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Модификацияланган олтингугуртни ишлаб чиқариш кротон альдегиднинг олтингугурт билан ўзаро таъсири натижасида амалга оширилди. Олтингугуртнинг кротон альдегид билан реакцияси натижасида полимерланган олтингугурт ҳосил бўлади ва бу олтингугурт оддий модификацияланмаган олтингугуртдан агрессив муҳитга чидамлилиги, шунингдек $-30\text{ }^{\circ}\text{C}$ дан $160\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача бўлган паст ва юқори ҳароратга чидамлилиги ва юқори электр изоляцион хусусиятлари билан ажралиб туради.

Олтингугуртли бетон йўл, қурилиш саноати, ва бошқа қурилиш соҳаларда ишлатилади. Илк бор Ўзбекистонда олтингугуртли бетонни синтез қилишнинг юқори самарали ва экологик тоза усули ишлаб чиқилди. Биз томондан янги модификацияланган полимер олтингугурт синтез қилинди,

уларга турли хил омиллар: эритувчилар, ҳарорат таъсирини ўрганиб чиқилди, зичлиги аниқланди ва термик таҳлили ўтказилди.

Технологик схема



1,2,6,7-сифим, 3-совутгич, 4-реактор, 5-майдалагич,
8,9-аралаштиргич, 10-қолип.

8-расм. Олтингургуртли бетон олиш технологик схемаси

Олтингургуртли бетонлар энг қулай ва арзон материаллар бўлиб, улар бир қатор физикавий ва механик кўрсаткичлар бўйича портлендцементидан ортда қолмайди. Шунинг учун олинган олтингургуртли бетондан ҳар хил қурилиш конструкцияларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Модификацияланган олтингургуртли бетонни олишнинг технологик схемаси 8-расмда келтирилган. 4-реакторга (аралаштиргич, иситгич ва қайтарма совитгичли вертикал цилиндрсимон аппаратлар) 1- ва 2-ўлчов идишидан олтингургурт ва кротональдегид юкланади. Реактордаги моддалар 170-180 °С гача қиздирилади ва 6 соат давомида аралаштирилади. Кейин реакция массаси 20-25 °С гача совитилиб, 5-идишга ўтказилади. 5-идишдан у 9-аралаштиргичга ўтказилади. Шу билан бирга 6- ва 7-идишдан ўлчанган миқдордаги қум ва кул 8-аралаштиргичга юкланади. 8-аралаштиргичда қум ва кул 140 °С гача қиздирилади. Кейин у ҳам 9-аралаштиргичга ўтказилади. Бутун масса аралаштиргичда аралаштирилади ва 10 қолипга қуйилади.

Олтингургуртли бетон юқори иссиқлик ва овозни изоляциялаш хусусиятларига эга, чўзилишга мустаҳкамлик кучи, оксидловчилар таъсирида эскиришга, агрессив муҳитга ва эритувчиларга чидамлилиги юқори.

Бир хил таркибда ва бир хил миқдордаги минерал қисм билан олтингургурт бетонининг намуналари стандарт цемент бетонидан тайёрланган намуналардан 2-3 барабар юқори ва кучли эканлигини намоён қилади ҳамда чет эл аналогларидан қолишмайди (5-жадвал).

Шунингдек, “СУРХОН КОМБИНАТ” МЧЖ негизида олтингургуртли бетондан тайёрланган кичик ўлчамдаги маҳсулотларнинг прототиплари – оғир типдаги маҳсулотлар ва қудуқлар учун қопқоқлар ишлаб чиқарилган. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун таркибида таркибида 26% оғирликдаги модификацияланган олтингургурт полимер бирикмалари ва кул қўшилган қум, майдаланган тош ва олтингургуртли бетон аралашмаси ишлатилган.

Олтингугуртли бетоннинг мустаҳкамлиги қарийб 85 МПа (М700 маркасига, В55 синфига тўғри келади). Намуналар очик жойга жойлаштирилди, у ерда улар 24 ой давомида табиий муҳит шароитида бўлди. Намуналарда бузилиш аломатлари кузатилмади (9-расм).

5-жадвал

Олинган олтингугуртли бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлик кўрсаткичининг хорижий аналоглари билан солиштириш

| Кўрсаткичлар номи | Олинган намуна | Серобетон «Газпром» (Россия) | Марбет, Польша | Канада, Соминсо | АҚШ |
|---------------------------------|----------------|------------------------------|----------------|-----------------|-----------|
| Ўртач зичлик, кг/м ³ | 2100-2200 | 2600-2700 | 220-2400 | 2400 | 2400-2500 |
| Сиқилишга мустаҳкамлик, МПа | 55-85 | 55-70 | 73-86 | 40-65 | 48-62 |



9-расм. Олтингугуртли бетондан тайёрланган кичик ўлчамдаги маҳсулотлар.

Таклиф қилинаётган янги модификацияланган олтингугуртли бетонни 1 м³ ишлаб чиқариш қиймати 148 180 сўмни ташкил этади, бу Россиянинг «Газпром» компанияси томонидан олтингугуртли бетон ишлаб чиқариш нархига (1 м³ - 200 690 сўм) нисбатан йилига 5000 м³ ишлаб чиқарилганда, олтингугуртли бетон ишлаб чиқаришнинг йиллик иқтисодий самараси 280 550 000 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Кротон альдегид ёрдамида олтингугуртни модификациялаш натижасида юқори деформацион мустаҳкамлик ва адгезион хусусиятга эга бўлган модификацияланган олтингугурт олиш усули таклиф этилди. Олинган модификацияланган олтингугуртнинг юқори термик ва релаксацион хусусиятга эга бўлиши вулқонланиш тўртини ҳосил қилиши билан изоҳланади.

2. Кротон альдегид биринчи марта олтингугурт учун модификатор сифатида қўлланилди ва сополимерланиш реакциясининг мақбул шароитлари аниқланди. Олинган композициялар сақлаш жараёнида барқарор эканлиги аниқланди ва олтингугуртли бетон олиш кўрсатиб берилди.

3. Олтингугурт асосидаги композициялар таркибига иссиқлик электр станциялари кулини киритиш натижасида олинган композициялар деструкциясининг сезиларли камайиши ва уларнинг барқарорланиши аниқланди. Тадқиқот натижалари тажриба ва завод қурилмаларида синаб кўрилди ва боғловчилар асосидаги модификацияланган олтингугуртдан олтингугуртли бетон олиш тавсия қилинди.

4. Кимёвий ўзгаришлар орқали модификацияланган олтингугурт олиш ва яхшиланган физик-механик хоссаларга эга бўлган олтингугуртли бетон олиш технологияси ишлаб чиқилди. Атмосфера ва агрессив муҳитлар таъсирига чидамли, сиқилишда юқори мустаҳкамлик хусусиятларига эга бўлган модификацияланган олтингугуртли бетон олиш учун эримайдиган полимер қисмлар масса улуши олтингугуртнинг миқдорига нисбатан 10-25% бўлиши аниқланди.

5. Ишлаб чиқилган маҳаллий хом-ашёлардан модификацияланган олтингугуртли бетон олиш технологияси «Олмалик КМК» АЖ корхонасида кислота ва тузларнинг юқори концентрацияларига барқарор, мустаҳкам полимер олтингугуртли бетон конструкциялар олиш учун амалиётга жорий қилинди. Олинган олтингугуртли бетон мустаҳкамлик хусусиятлари бўйича боғловчилар асосида анъанавий бетонлардан устун бўлиб, олтингугуртли бетон конструкциялар олиш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АМАНОВА НОДИРА ДАВЛЯТОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
МОДИФИЦИРОВАННОЙ СЕРЫ НА БАЗЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ
РЕСУРСОВ И ЕГО ПРИМЕНЕНИЕ В ПОЛУЧЕНИИ СЕРОБЕТОНА**

**02.00.13–Технология неорганических веществ и материалы на их основе
02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/T1905.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tersu.uz и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководители:

Тураев Хайит Худайназарович
доктор химических наук, профессор

Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Шукуров Жамшид Султанович
доктор технических наук

Соттикулов Элер Сотимбоевич
доктор философии PhD

Ведущая организация:


Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «14» 12 2020 г. в «16⁰⁰» часов на заседании Ученого совета на основе Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за №23, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «4» 12 2020 года.
(протокол рассылки № 7 от «4» 12 2020 г.).




И.А. Умбаров
Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., доц.


Ш.А. Касимов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.ф.х.н.


Ф.Б. Эшкурбанов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире быстро растет потребление ископаемого топлива, как и количество серы, которая образуется в качестве побочного продукта процесса промышленной очистки топливного сырья. Поскольку ожидается, что в будущем содержание серы будет постоянно увеличиваться, при отсутствии встречного плана потребуются огромные затраты на удаление отходов. Поэтому, модифицируя серу, важно синтезировать серосодержащие связующие и получить на их основе новые типы модифицированного серобетона для получения прочных строительных материалов, таких как асфальт и бетон, устойчивых к различным агрессивным средам.

На сегодняшний день в промышленно развитых странах мира большое внимание уделяется исследованиям, направленным на получение модифицированного серобетона и его использование для повышения прочности строительных конструкций. Поэтому разработка органических модификаторов для эффективной полимеризации серы, получения термопластичных композитов на основе серы и минеральных наполнителей, предотвращения твердофазных переходов и уменьшения объема из-за температурных изменений в серобетоне, устранение горючести композиций на основе модифицированной серы, требуется разработка эффективных методов получения прочного полимерного серобетона стабильного при высоких концентрациях кислот и солей на основе модифицированной серы непредельными органическими соединениями.

В республике достигнуты определенные научные и практические результаты по созданию серных вяжущих и серных бетонов на основе модифицированной серы и серных отходов газо- и нефтеперерабатывающей промышленности. На основе проведенных нормативных мероприятий в данном направлении достигнуты определённые результаты, особенно, по разработке научных основ получения полифункциональных композиций, осуществлены широкомасштабные мероприятия в области обеспечения местного рынка импортозамещенными продуктами. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»². При этом важно получение модифицированного серобетона на основе местных сырьевых ресурсов - побочных продуктов многотоннажной химической промышленности и на основе синтезированных веществ.

